

ҲАРБИЙ СОҲАНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Алишер Навоий номидagi Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг нодир китоблар музейида "Шарқ ва Ғарбда қадимий қушми турлари" мавзусига бағишланган экспозиция намоиши этилмоқда. Музейдан урин олган тарихий манбалар — қушми турлари, Шарқ ва Ғарб мамлакатларида, асосан Европада ҳарбий соҳанинг ривожланиш тарихига оид айрим манбалар билан таништиради. Миллий кутубхонанинг қўлёзмалар, нодир ва алоҳида қимматга эга нашрлар фондида сақланаётган, XVII-XX аср бошларига оид, тошбосма ва эски усулда нашр этилган элликка яқин манбалар — китоблар ва альбомлардан ташкил топган. Улар орасида "Ҳарбий архитектура", "Қалъалар архитектураси", "Артиллерия", "Уруш ва артиллерия санъати", "Ҳарбий стратегия", "Ҳарбий отликлар", "Отлик қушми тарихи", "Ҳарбий санъат — пиёда қушми учун", шунингдек, машҳур франциялик шарқшунос олим Луи-Матьё Лангле (1763-1824)нинг 1821 йида нашр қилинган Альбомида Ҳиндистонда Бобурийлар армиясининг жанговор қуроласлаҳаларидан намуналар келтирилган.

Намоиш этилаётган манбалар кутубхона фойдаланувчиларида, бу ерга келаётган турли касб эгаларида, ёшларда қизиқиш уйғотмоқда.

Кўргазма намоиши январ ойининг охиригача давом этади.